"Т А С Д И Қ Л А Й М А Н"
Комиссия раиси.туман хокими
_____З.Маҳкамова
"15" ноябрь 2021 йил

Корхона, ташкилот ва муассасаларга бинолар, иншоотлар қурилишига ва бошқа мақсадлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг

Д А Л О Л А Т Н О М А С И

2021 йил "15" ноябрь "Исоқхон Тўра Ибрат" массиви

Бизларким қуйида имзо чекиб далолатнома тузувчилар:

З.Маҳкамова	-	Туман ҳокими , **комиссия раиси**
А.Тўраев	-	Туман ҳокимининг ўринбосари, **комиссия раиси ўринбосари**

Комиссия аъзолари:

А.Шодмонов	-	Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мутахасиси, **комиссия котиби**
А.Худайбердиев	-	Туманқурилиш бўлими бошлиғи
Ш.Қўзиев	-	Туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи
А.Усмонов	-	"Водийгазтаъминот" УН Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани филиали бошлиғи
Б.Қосимов	-	Экалогия ва атроф мухтни мухофаза қилиш туман бўлими бошлиғи
И.Жаматов	-	Туман Давлат санитария эпидемиология назорати маркази бош врачи
Б.Пазилов	-	Наманган вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Тўрақўрғон тумани филиали
Т.Худойқулов	-	"Намангантелеком" филиали туман телекоммуникация боғламаси бошлиғи
Ф,Хўжамбердиев	-	Туман ФВБ бошлиғи

Юқорида номлари келтирилган туман комиссия аъзолари иштирокида тузамиз ушбу далолатномани шу ҳақдаким, Наманган вилояти Гидрометрология бошқармаси бошлиғи М.С.Мутавалиевнинг 2021 йил 06 апрелдаги "Туман ҳокими захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонларидан бир қисмига Радиолокатр усканаларини ўрнатиш хамда кузтув станция бино иншоатлари қурилиши учун ер майдони ажратиб берилишида амалий ёрдам беришни сўраб" ёзган

02-41/1-сонли хати мутаҳассислар томонидан кўриб чиқиб, сўралган ер майдонини жойида атрофлича ўрганиб чиқилди.

Туман комиссия аъзолари иштирокида Наманган вилояти Гидрометрология бошқармаси Радиолокатр усканаларини ўрнатиш хамда кузатув станция бино иншоатлари қурилиши учун қурилиши учун сўралган ер майдони тумандаги "Исоқхон Тўра Ибрат" МЧ ММТПнинг 135-контурдаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.70 гектар ер майдони мавжудлиги аниқланди.

Қурилишини амалга ошириш учун рухсат бериш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Наманган вилояти Гидрометрология бошқармаси бошлиғи М.С.Мутавалиевга:

Радиолокатр усканаларини ўрнатиш хамда кузатув станция бино иншоатлари қурилиши учун буюртма асосида архитектура режалаштириш топшириғи-1,2 ва лойиҳа нархлов ҳужжатларини тайёрлаш ва лойиҳа асосида қуриш;

ер майдонидан асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаслик;

бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузмаслик;

қишлоқ бош режаси асосида ҳудудни қайта қуриш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширилган ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилган тақдирда биринчи огоҳлантирилиши биланоқ ихтиёрий равишда ўз ҳисобидан ер майдонини бўшатиб аввалги ҳолатига келтириб бериш;

тегишли солиқларни ўз вақтида тўлаб бориш;

қурилиш ишларини белгиланган муддатларда ва архитектура қурилиш бош бошқармаси томонидан тасдиқланган лойиҳалар асосида сифатли қилиб бажариш;

ер майдонини сотиш ёки ўзгача тарзда бошқаларга ўтказмаслик;

маҳаллий Давлат ҳокимияти органларига ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

Радиолокатр усканаларини ўрнатиш хамда кузтув станция бино иншоатлари қурилиши учун ажратилаётган ер майдони шимолдан 134-контурдаги ер майдонлари, жануб, шарқ томонлардан 140-141-контурлардаги ер майдонлари билан чегараланган.

Ажратилаётган 0,70 ер майдони санитария ва гигиена ҳамда табиатни муҳофаза қилиш талабларига тўла жавоб беради.

Радиолокатр усканаларини ўрнатиш хамда кузтув станция бино иншоатлари қурилишини тегишли муҳандислик тармоқлари билан таъминлаш, тегишли ташкилотларнинг техник шартлари асосида бажарилишига ва архитектура режалаштириш топшириғи-1,2 ва лойиҳа-нархлов хужжатлари, ҳамда туман ҳокимининг қурилишга рухсат бериш қарори асосида қурилишни бошлашга келишилди.

Ушбу далолатнома тасдиғини туман ҳокимидан сўралсин.

(*Ажратилаётган ер майдони кўрсатилган қишлоқ хўжалик харитасидан кўчирма илова қилинади*).

Далолатнома тузувчилар:

Комиссия раиси ўринбосари А.Тўраев

Комиссия аъзолари: А.Шодмонов

Комиссия котиби А.Худайбердиев

Ш.Қўзиев

А.Усмонов

Экологик экспертиза хулосасини олиш чораси кўрилмоқда

Б.Қосимов

И.Жаматов

Б.Пазилов

ВМ 1050 тр

ВМ 981 ... Т.Худойкулов

Ф.Хўжамбердиев

Гидрометрология бошқармасига Радиолокатр ускуналарини ўрнатиш ҳамда кузатув станция бино иншоатлари қурилиши учун ажратилаётган ер майдони кўрсатилган қишлоқ хўжалик харитасидан

К Ў Ч И Р М А

Миқёссиз.

“Исоқхон Тўра Ибрат” МЧ ММТП



Шартли белги

Ажратилаётган ер майдони чегараси

Кадастр Агентлиги Тўракўрғон туман бўлими бошлиғи в.б **А.Шодмонов**